

"Ақлли омонатчи" кейси

Аброр пулини сармоя қилишни ўйларди. У стипендиясини йифарди ва баъзида веб-сайт ва мобил иловаларни ишлаб чиқиб пул топарди. Унда 5 миллион сўм бор эди. Банкларнинг омонатлар бўйича таклифларини ўрганаётганда йиллик 27 фоизгача бўлган банк омонати рекламаси унинг эътиборини тортди ва у ушбу омонатга пул қўйиш ҳақида ўйлаб қолди. Бироқ, унинг дўсти Жавохир унга чет ел валютасида пул иғишини маслаҳат берди. Аброр танлов қаршисида қолди.

Миллий валютадаги (сўм) омонат шартлари:

Муддат: 1 йил

Фоиз ставкаси: йиллик 27 фоизгача

Энг кам микдори: 1 000 000 сўмдан

Фоиз ҳисоблаш: ҳар ой

Фоизлар ҳисоблаш бўйича қўшимча маълумот : 1-3 ой учун – йиллик 18%; 4-6 ой учун – йиллик 21%; 7-9 ой учун – йиллик 23%, 10 ойдан омонат муддати тугашига қадар – йиллик 26%

Омонатни тўлдириш имконияти: биринчи 3 ой ичида

Муддатидан олдин омонат суммасини ечиш: омонат муддатидан олдин ёпилганда, омонатнинг фақатгина тўлиқ ойлари учун фоизлар сақланади.

У, шунингдек, хорижий валютадаги омонатларини ўрганиб чиқди.

Хорижий валютадаги (АҚШ доллари) омонат шартлари:

Муддати: 18 ой

Фоиз ставкаси: йиллик 5 фоиз

Энг кам микдори: 500 АҚШ доллари

Фоиз ҳисоблаш: ҳар ой

Омонатни тўлдириш имконияти: биринчи 12 ой давомида рухсат, аммо ойига фақатгина бир маротаба

Муддатидан олдин омонатни ёпиш: омонат муддатидан олдин ёпилганда 1 ойдан 3 ойгача – йиллик 3.5%; 4 ойдан 12 ойгача – йиллик 4,0%; 13 ойдан омонатни муддатидан олдин ечилиган даврига қадар ҳисобланган фоизлар тўлиқ тўланади

Омонатни қисман ечиш: рухсат этилмайди

Саволлар:

1. Аброр 2020-йил 29-августда 5 млн. сўм микдорида жамғарма қўйган бўлса, иккала турдаги омонатлар бўйича унинг фоиз даромадларини ҳисобланг

2. Аброр учун қайси омонат тури даромадлироқ: миллий ёки хорижий валютада?
3. Инфляция даражаси бир йилдан сўнг депозит бўйича даромадга қандай таъсир қиласи? Ҳисоб-китобларни келтиринг.
4. Аброр банк омонатлариға сармоя киритишга қарор қилса, қандай таваккалчиликларга дуч келиши мумкин?
5. Банкларнинг омонатлар бўйича таклифларини ўрганинг. Ўзингиз учун энг даромадлисини танланг. Қайси давр ва қандай фоизда пулларииингизни омонатга қўйган бўлардингиз. Банк номини кўрсатмасдан омонат шартлари ва у бўйича ҳисоб-китобларни кўрсатинг.